

<i>Ташилот номи:</i>	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Юридик клиника
<i>Танлов босқичи:</i>	Сухбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (50 та)

1. Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш бўйича Ички ишлар вазирлиги Юридик хизмат бошқармаси ходимларига вазирнинг буйруғи асосида Тошкент шаҳрида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш топширилди.

Бироқ, бошқарма ходимларининг айримлари айнан бир буйруқ билан фақатгина битта йўриқнома қабул қилиниши лозимлигини таъкидлашса, бошқа ходимлар эса бир буйруқ билан бир нечта йўриқнома қабул қилиш мумкинлигини изоҳлашди.

Вазиятга амалдаги қонунчилик асосида ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Прописка тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан ички ишлар вазирининг соҳага оид қатор норматив тусдаги буйруқларини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурати пайдо бўлди.

Ушбу ҳолатда вазирликнинг Юридик хизмат бошқармаси ходими С.Эшқувватов томонидан ушбу мазмундаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрланиб, ушбу қарорга ички ишлар вазирининг соҳага оид қатор норматив тусдаги буйруқларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги рўйхат илова қилинди.

Лойиҳа билан танишиб чиққан бўлим бошлиғи С.Эшмуродов ички ишлар вазирининг норматив тусдаги буйруқларини ўз кучини йўқотиши фақатгина вазирнинг буйруғи асосида амалга оширилишини таъкидлади.

Амалдаги қонунчилик асосида мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Янги ташкил этилган Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасида Юридик хизмат таркибий бўлинмасида ходимлар ишга олинмаганлиги сабабли, вазирнинг норматив тусдаги буйруғи лойиҳасини тайёрлаш бўйича вазирликнинг таркибий бўлинмалар ташаббуси билан Тошкент шаҳар Юнусобод туманида фаолият юритувчи “Law firm” консалтинг фирмаси билан вазирлик ўртасида хизмат кўрсатиш шартномаси тузилди.

Бироқ, вазирлик раҳбарияти ушбу ҳолат қонунга зид эканлиги ҳамда вазирлик иш юритувидаги ҳужжатларнинг аксарияти хизмат доирасида фойдаланиладиган ҳужжатлар эканлиги кўрсатилиб, ушбу шартномани бекор қилиш лозимлиги таъкидланди.

Амалдаги қонунчилик асосида мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4. 2020 йил 25 майда Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун “Тиббий-профилактика ва жамоат

саломатлигига оид санитария қоидалар” лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилди. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан лойиҳа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат бўлганлиги сабабли, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши рад этилди.

Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши масаласини таҳлил қилинг.

5. 2019 йилнинг 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлигига “Ички ишлар органлари ходимларининг моддий-таъминотини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси бюджет билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, келишиш учун юборилди. Бироқ, Молия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали юборилмаганлигини важ қилиб, лойиҳани ишлаб чиқувчига қайтарилди.

Мазкур ҳолатга амалдаги қонунчилик асосида ҳуқуқий баҳо беринг.

6. 2020 йил 5 июнь куни Тошкент вилояти ҳокимининг норматив тусдаги “Тошкент вилояти ҳудудида аҳоли учун интенсив-иссиқхоналар ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ҳокимликнинг расмий веб-сайти ([www.toshvil.uz](http://www.toshvil.uz))га жойлаштирилди.

Мазкур қарор билан танишган Ангрен туман аҳолиси томонидан иссиқхоналар ташкил этилиши бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида мутасадди идораларга мурожаат қилинди. Бироқ, кадастр ва қишлоқ хўжалиги идоралари томонидан аҳолининг мурожаати асоссиз эканлиги, яъни мазкур қарор ҳали қонуний кучга кирмаганлигини кўрсатиб рад этилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ушбу ҳолатда вилоят ҳокимлиги ҳамда кадастр ва қишлоқ хўжалиги идораларининг хатти-ҳаракатларини амалдаги қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

7. 2021 йил 4 майда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва қарорга илова тариқасида соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилаш мақсадида “стратегия” лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун киритилган. Бироқ, Адлия вазирлиги мазкур лойиҳа бўйича

манфаатдор идоралар билан келишув тартиби бузилганлиги, яъни лойиҳа фақатгина Молия вазирлиги билан келишилганлиги ҳамда лойиҳага илова қилинган стратегия қарор мазмунига ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига зид равишда ишлаб чиқилганлиги сабабли, лойиҳа ишлаб чиқувчига қайтарилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Ушбу ҳолатда Адлия вазирлиги томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқлигини амалдаги қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

8. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 10 августда норматив тусдаги “Тошкент шаҳрида 2020-2021 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айрим тартиб-таомиллардан четга чиққан ҳолда қабул қилиниб, шаҳардаги тегишли мутасадди идора ва ташкилотларга ижро учун юборилди. Ушбу даврда Тошкент шаҳар адлия бўлими томонидан ҳокимликнинг норма ижодкорлиги фаолияти бўйича мониторинг ўтказилиши жараёнида юқорида қайд этилган қарорни қонунчиликка зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатда адлия бўлими томонидан кўриладиган чора-тадбирларни амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб изоҳланг

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи лойиҳаси Савдо-саноат палатаси билан 2021 йил 5 сентябрда келишилиб, 2021 йилнинг 8 ноябрь куни қабул қилинди. Молия вазирининг мазкур буйруғи Адлия вазирлигига 2021 йилнинг 22 ноябрь куни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилди.

Айтингчи, мазкур идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш мумкинми?

10. “Ўзархив” агентлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруқ ишлаб чиқилди ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилиб, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун киритилди. Ҳуқуқий экспертиза жараёнида, ҳужжатни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири 2020 йил 10 ноябрда имзоланганлиги, “Ўзархив” агентлиги директори томонидан эсат 2021 йил 11 мартда (беш ой ўтиб) тасдиқланганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатда ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш мумкинми? Жавобингизни асослантирган ҳолда баён этинг.

11. Юридик техника бўйича дарс машғулотлари давомида талаба Сиддиқов томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлигини, бу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи назарда тутилмаганлигини билдириб ўтди.

Бироқ, талаба Маликова Сиддиқов фикрига қўшилмаслигини бу борада катта ишлар олиб борилганлигини қайд этиб ўтди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

12. Юридик техника модули бўйича семинар машғулоти давомида талаба Фаҳриддин Мадиев норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тури ва номи, ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари каби асосий реквизитларга эга бўлиши зарурлигини билдириб ўтди.

Аммо талаба Жамшид Муртазоев ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида бундай реквизит талаблари мавжуд эмаслигини, улар учун тегишли жисмоний ёки юридик шахснинг иродаси кифоя эканлигини билдириб ўтди.

13. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати юридик иш бўйича муайян шахсларнинг ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва уларнинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва ҳуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актдир. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари асослантирилганлик, қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик тамойиллари талабларига жавоб бериши лозим.

Юридик техниканинг умумий қоидалари ва методларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўринишидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосланиб муҳокама қилинг.

14. Дарс жараёнида талаба Комилов Фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорлари икки турга: ҳал қилув қарорлари ва ажримларга бўлинишини таъкидлади, аммо талаба Полвонов унинг фикрига қўшилмаслигини, юқорида айтилган ҳужжатлардан бошқа турлари ҳам борлигини таъкидлади.

Қонун ҳужжатларига асосланиб, Фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорларнинг турларини ва уларнинг юридик-техник қоидаларининг ўзига хос жиҳатларини баён этинг ҳамда амалий мисолар билан фикрингизни асосланг.

15. Юридик техника дарс машғулоти давомида талаба Шерзод Сатторов томонидан Марказий банк томонидан чиқариладиган қимматбаҳо қоғозлар ҳамда нақд пуллар юридик ҳужжат бўлиши мумкин эмаслиги билдириб ўтилди. Унинг фикрича, нақд пул бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда восита сифатида фойдаланилишини таъкидланди. Бироқ талаба Дилшод Норқобилов Юридик техникага оид ҳуқуқий адабиётлардан иқтибос келтирган ҳолда унинг фикрларини рад этди. Юридик ҳужжат турларини таҳлил этган ҳолда вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

16. Тошкент давлат юридик университети талабаси Маржона Асадова “Электрон ҳужжат тушунчаси” бўйича тадқиқот ишини олиб бораётган эди. У тадқиқот иши доирасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга [pm.gov.uz](http://pm.gov.uz) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига [president.uz](http://president.uz) сайти орқали мурожаат қилиш имконияти мавжуд эканлигини ўрганиб чиқди.

Бироқ, унинг билимлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитларидан бири электрон рақамли имзо эди. Афсуски жисмоний ва юридик шахслар томонидан онлайн режимда мурожаат қилиш назарий жиҳатдан бир неча саволларни келтириб чиқарар эди. Айниқса мурожаатнинг шакли электрон ёки қоғозда акс этиши масаласи мавҳум қолди. Электрон ҳужжат тушунчасини ёритган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қандай юридик ҳужжат шакли эканлигини таҳлил этинг.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (2012 йил 24 декабрдаги) қонунида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлардир”, шаклида баён этилади.

Аммо мазкур модда рус тилидаги матнда “Нормативно-правовые акты являются актами законодательства и образуют законодательство Республики Узбекистан. Конституция Республики Узбекистан, законы Республики Узбекистан, постановления палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан являются законодательными актами”, кўринишида баён этилади.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур нормани юридик техниканинг тил қоидалари бўйича таҳлил этинг. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Янги қонун билан қиёсий таҳлил этинг.

18. Молия вазирлиги томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилди.

Ҳуқуқий экспертиза жараёнида мазкур ҳужжатда Давлат солиқ кўмитаси фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам мавжудлиги, бироқ ҳужжат мазкур вазирлик билан келишилмасдан қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласини таҳлил қилинг.

19. Юридик техника модулидан семинар машғулотидан талаба Каримов “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар шаклида қабул қилиниши мумкинлигини тушунтирди.

Аммо талаба Саноевнинг таъкидлашича, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда “конституциявий қонун” тушунчасига расмий таъриф берилмаганлигини таъкидлади. Аммо Каримов, Қонунчилик

палатасида конституциявий қонун қабул қилиш учун алоҳида тартиб мавжудлигини қайд этиб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

20. Куйидаги нормага эътибор беринг.

“норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари қабул қилиниши натижасида ҳар хил жинсдаги шахслар учун турли оқибатларни келтириб чиқарувчи қоидаларни аниқлаш ва тартибга солиш соҳасини олдиндан таҳлил қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган узоқ муддатли оқибатларни баҳолаш;

тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш”.

Юқоридаги норма қайси экспертизанинг моҳиятини ташкил этади. Унинг ҳуқуқий экспертиза билан алоқадорлигини таҳлил этинг.

21. Д.Чориев Техника коллежини тугатиб ўрта маълумотли диплом билан 2012-2015 йиллар оралиғида Китоб тумани электр тармоқлари корхонасида механик ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 2019 йилда Тошкент давлат техника университетини битириб, 2020 йил мазкур корхонага механик бўлиб ишга кирди. Корхона раҳбари меҳнат шартномаси тузилаётган пайтда унга нисбатан уч ойлик дастлабки синов муддати белгиланганини айтди. Орадан бир ой ўтгач, иш берувчи Чориевга дастлабки синов муддатини яна бир ойга чўзганлигини маълум қилди. Иш берувчининг мазкур ҳаракатларидан норози бўлган Чориев туман меҳнат инспекторига мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

22. Фуқаро Жалилов яшаш ҳуқуқида жойлашган овқатланиш масканларининг бирига ишга қабул қилинди. Орадан 17 кун ўтгач Жалилов ошхона раҳбаридан нима сабабдан у билан меҳнат шартномасини тузмаётганлигини сўради. Ошхона раҳбари эса уни доимий иш билан таъминлай олмаслигини, яъни у фақат ёз ва куз мавсумида ошхона миқозлари кўп бўлганда иш билан таъминлай олишини айтди. Унинг фикрича бунинг учун эса, ёзма меҳнат шартномасини тузиш шарт эмас.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

23. Мен ишлаб юрганымда касал бўлдим, лекин менга поликлиникадан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси берилган. Бухгалтерия нафақани тўламаймиз деяпти. Сабаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқ экан. Лекин, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси борку. Шу билан нафақани ололмайманми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

24. Фуқаро Б.Раҳимов 2020 йилда Наманган давлат университетини тугатди ва ўз университети канцелярия бўлимига иш юритувчи бўлиб ишга қабул қилинди. У билан тузилган меҳнат шартномасида асосий шартлардан бири сифатида дастлабки синовни ўташ ҳақида келишиб олинди ва унинг муддатини 5 ой қилиб белгилади. Мазкур ҳолатдан қаттиқ норози бўлган Б.Раҳимов Наманган шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

25. Фуқаро Д.Зокиров узоқ йиллар “korzinka” савдо мажмуасида шафёр сифатида меҳнат фаолиятини олиб борди. 02.04.2020 йилда меҳнат фаолиятини яқунлади ва ўзи яшаб турган туман пенсия жамғармасига ёшга доир пенсия расмийлаштириш учун ўзининг меҳнат дафтарчасини тақдим этди. Унинг “korzinka” савдо мажмуасида ишлаган дастлабки олти ойи меҳнат стажига қўшилмади. Д.Зокиров бунинг сабабини сўраганида пенсия ҳисоб-китоб қилинаётган вақтида синов муддати меҳнат стажига қўшилмайди деган жавобни олди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

26. Қўшма корхонага ишга жойлашаётган вақтимда, иш берувчи корхонага чет эл фуқаролари раҳбарлик қилаётганлиги сабабли корхонадаги йиллик меҳнат таътили 12 кунни ташкил этишини айтди. Бу тўғрими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

27. Мен уч йилдан бери университетда кассир бўлиб ишлаб келмоқдаман. Менинг меҳнат шартномамда унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган. Бу уни ҳақиқий эмас, деб ҳисобланишига олиб келмайдами?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

28. Мен ишга жойлашаётган ташкилотнинг кадрлар бўлимида менга меҳнат шартномасини имзолашни таклиф қилишди, бироқ шу билан бирга мени ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ ҳали имзоланмаганини айтишди. Иш берувчининг буйруғи чиқмасдан туриб меҳнат шартномасини имзолашим мумкинми, ахир буйруқ мазмуни ва унда қандай лавозим кўрсатилганлигини билмайманку?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

29. Амакимни ўғли ишдан уйга қайтаётиб автоҳалокатга учради. Унинг олган тан жароҳати ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб ҳисобланадими? Иш вақти тушунчасига нима киради?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

30. Қарамоғида 16 ёшга етмаган уч нафар фарзандим бор. Қон босимим ошганлиги сабабли меҳнатга лаёқатсизлик таътилига чиқдим ҳамда менга иш ҳақининг 80 миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлашди. Шу тўғрими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

31. Икки нафар юристни тасаввур қилсак, уларнинг иккисида ҳам қизил диплом мажуд, улар Адлия вазирлигида ишлайдилар. Уларнинг касб малакалари фарқ қилмайди, таълим муассасаси ва иш жойи ҳам бир хил. Бироқ уларнинг универсал кўникмалари турлича. Биринчиси жамоада яхши ишлайди, ўзига ишончи юқори, ҳамкасблари билан мулоқотга кириша олади. Иккинчиси эса ҳакасблари билан мулоқотга киришишдан кўра қонун лойиҳалари усутида ишлашни афзал кўради ва ҳужжатлар билан ишлашда кучли методологияга эга.

Савол: Айтинг-чи, ушбу икки нафар юристнинг тақдири бир хил кечадими? Келажакда уларнинг фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин?

32. Фуқаро П.Баҳромова 12.03.2020 йилда “Samoviy orzular” МЧЖга сотувчи сифатида ишга қабул қилинди. П.Баҳромованинг илк марта ишга кириши эди. Орадан ўн кун ўтиб яъни, 22.03.2020 йилда П.Баҳромова кадрлар бўлими нозирига унга меҳнат дафтарчаси тугилган ёки тугилмаганлигини аниқлаш учун мурожаат қилди. Бунга жавобан унинг билан тузилган меҳнат шартномасида дастлабки синов муддати 3 ой қилиб белгиланганлиги боис, шу муддат ўтгандан сўнггина унга меҳнат дафтарчасини тугилиши мумкинлигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

33. Фуқаро Ч.Каримов 20.10.2020 йилдан бери Зомин туман молия бўлими архивида иш юритувчи бўлиб ишлаб келади. Аммо, у билан меҳнат шартномаси тузилмаган, яъни ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилмаган. Ч.Каримов шунчаки архив раҳбарининг ижозати билан иш бошлаган. Меҳнат қонунчилигини риоя қилишини назорат қилиш учун келган давлат меҳнат инспектори архив раҳбариятига жарима жазосини белгилади. Инспекторнинг мазкур қароридан норози бўлган архив раҳбари адвокатга мазкур ҳолатга қонунчилик асосида муносабат билдиришини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг



34. Фуқаро А.Абдуллаева Қарши давлат университети таҳририй-нашриёт бўлимига ишга қабул қилинди. 20.04.2019 йилда у билан меҳнат шартномасида дастлабки синов ҳақида шартлашилмаган бўлишига қарамасдан унга 4 ойлик дастлабки синов муддати белгиланди. Мазкур ҳолатдан норози бўлган А.Абдуллаева университет раҳбариятига нима сабабдан дастлабки синов белгиланганлигини сўради. Бунга жавобан кадрлар бўлими бошлиғи ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш мақсадида гарчи меҳнат шартномасида шартлашилмаган бўлса ҳам, дастлабки синов белгилашини лозимлигини таъкидлади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

35. Фуқаро С.Олимова “QURILISH SERVIS” МЧЖга котиб-иш юритувчи бўлиб ишга кириш учун мурожаат қилди. Унинг мурожаатига нисбатан агар ишга киришини хоҳласа фақат дастлабки синовни ўташи лозимлигини таъкидлади. Бунга жавобан, фуқаро С.Олимова унинг ҳомилиси 20 ҳафтада эканлигини ва меҳнат қонунчилигининг 84-моддасида ҳомиладор аёллар билан дастлабки синов муддати белгиланмаслигини билдирди. “QURILISH SERVIS” МЧЖ юристи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси фақат давлат хизматчиларига тааллуқли эканлигини билдирди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

36. “ARTEL” Компанияси 21.05.2020 йилда навбатдаги бўш иш ўринларини жамоатчиликка маълум қилди. Мазкур эълон берилган куннинг эртасига Ф.Камалова корхонага ошпаз бўлиб ишга кириш истагини билдирди. Камаловага 2 ой 15 кунга дастлабки синов муддати тадбиқ этилишини билдирди ва ушбу ҳолат меҳнат шартномасининг қўшимча шarti сифатида киритилди. Бироқ мазкур синов муддатининг сўнгги икки ҳафтасида Ф.Камалова каронавирус инфекциясига чалинганлиги учун компанияга бормади.

Мазкур ҳолатда икки ҳафталик вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври синов муддатига қўшиб ҳисобланадими?

37. Мени яқинда фирмамининг касаба уюшмаси раҳбари этиб сайлашди. Фирмаминда жамоа шартномаси тузилмаган, мен жамоа шартномасини тузиш ташаббуси билан чиқишим мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

38. Ташкилотимиз касаба уюшмасининг раҳбари ишдан бўшади, янги директоримиз эса касаба уюшмаси фаолиятини тугатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Директорнинг ҳаракатлари тўғрими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

39. Меҳнат шартномасида иш вақтимиз соат 9-00 дан 6-00 гача деб белгиланган бўлса ҳам, биз ташкилотимизда эрталабдан кечгача ишлаймиз. Аслида бизни ҳеч ким кечгача ўтиришга мажбур қилмайди, фақат баъзида раҳбарият томонидан кечки соат 5-00 да йиғилиш ўтказилиб, ушбу йиғилиш кечасигача давом этиши мумкин. Ушбу иш вақти нормал ҳисобланадими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

40. Қарамоғида 16 ёшга етмаган уч нафар фарзандим бор. Қон босимим ошганлиги сабабли меҳнатга лаёқатсизлик таътилига чиқдим ҳамда менга иш ҳақининг 80 миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўлашди. Шу тўғрими?

Вазиятга қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

41. Фуқаро Н.Сотволдиева Тошкент шаҳар 4-сон шаҳар тўғруқ комплексига генеколог бўлиб ишга қабул қилинди. Ишга қабул қилинаётганда ундан саломатлиги аҳволи ҳақидаги маълумотнома ҳам олиб келиши талаб қилинди. Бундан норози бўлаган Н.Сотволдиева ўзи яшаб турган Бектемир туман давлат меҳнат инспекторига ариза билан мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

42. Ташкилотда ходим хомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиб кетди. Унинг ўрнига бошқа ходимни фақатгина 6 ойдан кейин олиш мумкин экан, унча унинг иш вазифаси бошқа кишига юкланиб турар экан бу тўғрими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

43. Д.Хўжақулов 20.08.2020 йилда “Макро” савдо мажмуасининг Олтинтепа фелиалига кассирлик лавозимига дастлабки синов муддатини қўллаш шarti билан ишга қабул қилинди. Дастлабки синов муддати 4 ой қилиб белгиланди. Д.Хўжақулов дастлабки синов муддати ўтгандан сўнг ҳам ишни давом эттирди. Бироқ 25.12.2020 йилда у билан меҳнат шартномаси дастлабки синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги учун бекор қилинди. Мазкур ҳолатдан қаттиқ норози бўлган Д.Хўжақулов ўзи яшаб турган Қарши шаҳар давлат меҳнат инспекторига шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

44. Меҳнат бандлигидан текширув ўтказилди. 2 нафар ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бор ходимларга МКнинг 232-моддаси бўйича қўшимча таътил берилмаган деб прокуратурага материал чиқарилибди. 232-моддада агар ходимнинг розилиги бўйича берилади деган жойи бор экан. Ваҳоланки,

ходим у қўшимча таътилни олишдан бош тортди ва ёзма равишда езиб берди. Буни меҳнат бандлиги текширувчиси инобатга олмади.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

45. Фуқаро Р.Парпиева 30.03.2021 йилда “Golden house” қўрилиш компаниясига маркетинг бўлиб дастлабки синов шарт асосида ишга қабул қилинди. Дастлабки синов 2 ойни ташкил этиши меҳнат шартномасининг қўшимча шарт сифатида қайд этилди. Компания кадрлар бўлими бошлиғи у ўзининг ишига буткул ноқобил эканлигини ҳамда ахлоқи ҳам компанияда белгилаб қўйилган одоб-ахлоқ қоидаларига зид эканлигини англади ва унга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантириш муддатини қисқартишни яъни 10 кун қилиб белгилаш таклифини берди. Бу ҳолатдан норози бўлган Р.Парпиева ўзи яшаб турган туман давлат меҳнат инспекторига меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги хусусида арз қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

46. Фуқаро Ч.Самадова узоқ йиллардан бери Боғдод тумани архивида архивчи бўлим фаолият кўрсатаётган эди. 20.12.2021 йилда онасининг оғир бетоблиги сабабли тўлиқсиз иш кунида ишлаш имкониятини яратиб беришни илтимос қилиб ёзма мурожаат қилди. Бунга жавобан кадрлар бўлими нозири тўлиқсиз иш кунида фаолият кўрсатаётган ходимлар самарадорлиги паст бўлишини важ қилиб, унга меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилиши мумкинлиги таклифини берди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

47. Фуқаро М.Муродуллаев 20.09.2020 йилдан бери ўз уйи яқинида жойлашган korzinka.uz супермаркетида қассоб бўлиб ишлаб беллади. Ишга бориб келиши учун йўл кира сарфламаслиги, қолаверса қари ота-онасининг ҳолидан хабар олиб туришга имконияти борлиги учун иш жойи ўнга жуда маъқул эди. Орадан 8 ой ўтиб, яъни 20.05.2021 йилда у супермаркетнинг шаҳар марказида жойлашган филиалига ўтиши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилди. Мазкур ҳолатдан норози бўлиб, korzinka.uz юристига мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

48. Фуқаро Ж.Бутаев 2019 йилдан бери Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган “Samo sarvari” МЧЖда матн терувчи бўлиб ишлаб келади. 20.07.2020 йилда Ж.Бутаев мазкур МЧЖнинг Яшнобод филиалига ишлаб чиқариш зарурияти сабабли матн терувчилик вазифасига вақтинча ўтказилганлигини огоҳлантирилди. Бироқ, орадан 7 ой ўтгач, ходим ўз ишига

қайтиш учун раҳбариятга мурожаат қилди. Бунга жавобан раҳбарият унинг ўрнига бошқа ходимни ишга олганлигини билдирди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

49. Фуқаро М.Жуманов узоқ йиллардан бери Тошкент шаҳрида жойлашган йирик қўшма корхоналардан бирида катта электр механик лавозимида ўз меҳнат фаолиятини олиб боради. 20.12.2020 йилда уни мазкур қўшма корхонанинг Наманган филиалига катта мастер сифатида вақтинча ишлаб туриши лозимлиги ҳақида огоҳлантирди. Корхонанинг мазкур қароридан М.Жумаев норози бўлди. М.Жумаев бунга сабаб қилиб мазкур филиалда меҳнат фаолиятининг аниқ муддати чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари ҳақида маълумот берилмаётганлигини айтди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

50. Спорт мактабидан Б.Садиков ўз ҳисобидан 3 ойга меҳнат таътилга чиқди, ишга чиқиш куни 2 октябрь куни эди. Аммо 9 октябрь куни келса ҳам ишга чиқмаяпти. Ушбу ходим билан меҳнат шартномасини қай тартибда ва қайси ҳужжатларга асосан бекор қилса бўлади? Изоҳ беринг.